

## Сафарда маҳбуб бўлган дуолар



11:43 / 07.07.2025 1026

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шак-шубҳасиз, уч дуо ижобат қилингандир: мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси, отанинг фарзандига қилган дуоси», деб айтдилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривоятлари. Термизий бу ҳадисни ҳасан, деб айтдилар. Абу Довуддан қилинган ривоятда «фарзандига» деган лафз йўқ.

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан  
Таржимон Анвар Аҳмад***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.